

УМАРХОН АҲМАД МАЛҲАМИЙ

ЮРАК ҚОН-ТОМИР
ВА АСАБ ТИЗИМИ
КАСАЛЛИКЛАРИДА
ИШЛАТИЛАДИГАН
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

МАЖБУРИЙ
НУСХА



Тошкент
2013

УЎК: 615.83

КБК: 42.143

53.59

М- 21

Малҳамий, Умархон Аҳмад

Доривор ўсимликлар
Халқ тобобати

Юрак қон-томир ва асаб тизими касалликларида ишлатиладиган доривор ўсимликлар / Умархон Аҳмад Малҳамий. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 44 б.

ISBN 978-9943-27-104-3

Ушбу рисолада юрак қон-томир ва асаб тизими касалликларига ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг хусусияти, қайси ҳудудларда ўсиши, йириш усувлари ва муддати, кимёвий таркиби, қайси қисми айнан шу дардга шифо бағишлишни ёритилган. Доривор ўсимлик йиғмаларидан дамлама, қайнатма ва малҳамларни тайёрлаш ҳам уй шароитида фойдаланиш усувлари баён этилади.

Рисола шифобахш ўсимликларни тайёрловчиларга, ўқув юрти талаabalарига, шифокорларга, дорихона хизматчиларига ва кент китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 615.83

КБК: 42.143


53.59

Ю 41608
Og,

Тақризчи:

Ш. В. Абдуллаев,

кимё фанлари доктори, профессор



ISBN 978-9943-27-104-3

© Умархон Аҳмад Малҳамий, «Юрак қон-томир ва асаб тизими касалликларида ишлатиладиган доривор ўсимликлар». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

КИРИШ

*Танада гар пайдо бўлса қандай мараз.
Тибдан топар давосини ҳар бир араз.*

Инсонга берилган улуғ неъматларидан бири ҳисобланмиш ўсимликларнинг таркиби ва хусусияти азалдан соҳа вакиллари ва мутахассислар эътиборида. Ўтмишимизнинг зукко олимлари Ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий, Беруний каби алломалар bemор ташхисини синчиклаб аниқлаб, доривор ўсимликлар билан даволаб келганлар. Ҳозир ҳам тиббиётимизда, илмий тиббиётда ишлатиладиган дори-дармонларнинг 45 фоизи ўсимликлардан тайёрланади. Айни пайтда юртимизда ўсимликларнинг 4148 тури мавжуд бўлса-да, уларнинг фақат 577 нафари шифобахшдир. Ҳозирда кимё фани ривожланиб, тез таъсир этувчи янгидан янги дорилар синтез қилиб олинмоқда, бироқ шифобахш ўсимликларга эҳтиёж ҳамон катта.

Баъзи бебаҳо дорилар; юрак гликозидлари ҳозиргача ўсимликлардан олинади. Тиббиётда аҳамиятли саналадиган алкалоидлар, гликозидлар, флавоноидлар, кумаринлар, сапонинлар, эфир мойлари ва бошқа моддалар ҳам ўсимликлардан ажратиб олинади. Шифобахш ўсимликлардан яна кўп турли доривор препаратлар ҳам витаминга бой концентратлар, суюқ дорилар тайёрланади. Доривор ўсимликлар, айниқса, йиғмалар касалликни даволаш пайтида организмга қўшимча табиий витаминлар, кимёвий элементлар, физиологик фаол моддаларни киритади. Бу моддалар организмнинг касаллиklärарга қаршилигини оширади, асаб тизимиға ижобий таъсир ўтказади, қон айланишини яхшилайди, заҳарли ёт моддаларни

нейтраллаб, организмдан чиқаради. Ўсимлик таркибидаги витаминалар, микроэлементлар, пектинлар, сапонинлар, органик кислоталар, эфир мойлари ва бoshқа моддалар аралашмаси киши организмидаги ферментатив ва биокимёвий жараёнда фаол иштирок этади.

Юрак-томир ва қон касаллуклари атом асрининг улкан асоратидир. Қон айланишини фаоллаштириш учун эса организмга оқсиллар, витаминалар B_1 , B_6 , B_{12} , P, PP, A, K, фолий кислота, аскорбин кислота ҳамда микроэлементлар (Fe, Cu, Zn, Ni) зарур, булар ҳам керакли миқдорда доривор ўсимликлар таркибида учрайди. Доривор сунъий препаратлар нисбатан кучли. Масалан, аспирин кўпроқ ичилса, у сурункали қон кетишига сабаб бўлади.

Микробларга қарши пенициillinни бир неча йилда таъсир кучи икки баробар камаяди. Сабаби микроорганизм ўрганиб қолар экан. Пиёз, саримсоқпиёзларнинг микробларга ҳалокатли таъсири ўзгармайди. Шунинг учун юрак томирлариға қарши дориларни ярмидан кўпроги ўсимликлардандир. Укроп уруғидан ташқари, унинг кўк ўтидан олинган настойка томирга киритилганда, артериал босимни камайтирар экан. У томирларни кенгайтириб, юрак ишини яхшилаб, динрезни кўпайтирар экан. Шарбатлар, қайнатма, дамламаларга бўлган талаб ортмоқда.

Шифобахш ўсимликлар тури юртимиизда кўп тарқалган. Одам танасидаги метаболитлар, химиявий моддаларга ўхшаш моддалар бўлгани учун ҳам безарар. Ўсимликлардан тайёрланган дорилар синтетикили антисептикларга қараганда микробларга кучсизроқ таъсир этса-да, уларни узоқ вақт ишлатиш мумкин. Булардан ташқари, ўсимликлардан тайёрланган қайнатма, дамламалар ўз таркибида биологик фаол моддалар сақлагани учун, улар ҳар томонлама шифобахш таъсир этади. Микробларга, ямлиғланишга қарши таъсир этишида мақсаддага тез эришилади (масалан,

яраларни тез битириши (юрак) дамлама, томчилари, сургилар, экстракт, астматол).

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, юрак қон-томир, асаб касалликлари даволашда шифобахш доривор ўсимликлардан фойдаланилса, айни муддао бўлади. Ушбу рисолада шифобахш доривор ўсимликларни Ўзбекистоннинг қайси вилоятини қаерида ўсиши, қайси қисмини қандай йиғиш усуллари ва муддати, кимёвий таркиби, қайси қисми айнан шу дардга шифо бағишлиши ёритилган. Доривор ўсимлик йирмалиридан дамлама, қайнатма ва малҳамларни тайёрлаш ҳам уй шароитида фойдаланиш усуллари баён этилади. Рисола шифобахш ўсимликларни тайёрловчиларга, ўкув юрти талабаларига, шифокорларга, дорихона хизматчиларига ва кенг ҳалқ оммасига мўлжалланган.

ДАРДИНГИЗГА ШИФО БЎЛАДИ

Дард борки – давоси бор, деган нақл бор халқимизда. Бу давонинг сабаби эса баъзида ўзимиз ва ҳаракатимизга боғлиқ бўлади. Рисола аввалида бераётган ушбу тавсияларимиз эса ҳадисларга асосланади. Мұхаммад (с.а.в.) ҳадисларидан¹ келтирилган мазкур тиббий маслаҳатлар, умид қиласизки, ўринли ишлатилган ҳолда дардимизга шифо бўлади.

1. Умматларим учун энг қўрқсан жиҳатларим, қорин солиб семириш, серуйқулик, дангасалик ва суст зътиқодда бўлишdir.

2. Зайтун билан бўянинг, ёғини ўзингизга суртинг, чунки у муборак дараҳтдан чиқади.

3. Хина билан бўянинг, чунки у ёшларингизни, ҳуснингизни ва жинсий қувватни зиёда қиласи.

4. Қайси бирингизга райҳон тақдим этилса, уни қайтарманг, чунки у жаннатдан чиққандир.

5. Кўзингизга сурма мой қўйинг, чунки у кўзга жило беради ва киприкни ўстиради.

6. Укроп ейиш йўғон ичак касали – қўланждан саклайди.

Юқорида «Тиббий Набий» («Пайғамбар табобати»), номли рисоладан мисоллар келтирдик.

Ушбу ҳадисларни Абу Али ибн Сино зайтун бобида бундай дейди: «Зайтун ёғининг эскисини кўз хиравишига қарши суртма қилинг. Қуйқаси кўз хиравишига қарши суртма қилинади. Қуйқаси кўз дорилари таркибига киради. Япрогининг куйдирилгани кўз касалликларида тўтиё ўрнида ўтади. Елими кўзга тушган парда, оқ ва мугуз қатламининг дағалланишига қарши, япрогининг шираси кўз гўлагининг иргиб чи-

¹ “Шарқ табобати”. Т.: “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1994 й. Нашрга тайёрловчи: Ҳамидулла Ҳикматуллаев.

қишига, кўзниңг мугуз пардаси яраларига ва кўзга тушадиган назлаларга қарши ишлатилади. Бое зайдуни кўзга ёввойи зайдундан яхшидир. Кўзни яралар чиркини кетказади, кўзга тушган сув (катаракта), оқни кетказади».

Ибн Сино дейди: «Укроп ичак оғриқларига фойда. Укроп ҳуқна қилинса, ичак оғриқларини ва эрлик ургини кесади, унинг уруғи эса чиқиб турган бавосирни қайтаради, кули орқа тешик ва эрлик олатининг яралари учун яхшидир». Ҳозирда дамламаси натрий бромид билан биргаликда қон босимнинг иккинчи босқичи (гипертония)га шифодир.

НАВОЙ ҲИКМАТИДАН

*Агар ҳикматқа бўйсанг илтифотинг,
Ки бўйсун Нуҳ умрича ҳаётинг.*

* * *

*Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, касалликка тани маскантур.*

* * *

*То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаёо қасри барафтод ўлмас.*

* * *

*То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

* * *

*Жонга цун дерман, не эрди ўлмагим кайфияти,
Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.*

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



АНЖИР (Инжир обыкновенный – *Ficus carica*) – Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади. У Сурхондарё вилоятининг Тўпаланг дарё ҳавзасида ёввойи ҳолда ҳам учрайди. Бўйи 8 метргача етадиган ширин мевали дарахт. Барги йирик, умумий кўриниши думалоқ тухумсимон, 3-5 бўлакли бўлиб, узун банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда ноксимон, учи тешик тўпгулни ичидаги жойлашган. Апрель ойида гуллаб, меваси июль-аугустда пишади. Меваси – ноксимон ёки ясси, сариқ, тўқ қизил-кўнғир рангли, сершира тўп мева. Анжир меваси пишган вақтда йифилади. Меваси қуритиб ёки қуритмасдан ишлатилади. Меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, витаминалар, ферментлар (фицин ва бошқа), минераллар (калий, темир, фосфор, кальций, магний тузлари) ва бошқа моддалар бор. Анжир меваси ва барги сут ширага бой. Барги таркибида фурокумаринлардан псорален, бергаптен ва бошқа бирикмалар учрайди.

Абу Али ибн Сино мевасини балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи дори сифатида ишлатган. Балғам кўчириш учун анжир мевасини ейишни ва йўтал қолдириш учун мевани сутда қайнатиб истеъмол қилиши буюрган.

Халқ табобатида меваси ва ундан тайёрланган дамлама йўтал, кўк йўталга, қайнатма ва мураббоси терлатувчи, иситмани туширувчи ҳамда лорингит, бронхитларга шифо. Меваси гастрит ва сурункали қабзиятга даво, сийдик ҳайдайди. Барг препарати – фурокумарин псорален билан песни даволанади.

Илмий тиббиётда юрак қон-томир (кўп миқдорда калий тузлари ҳисобидан) дардларида ишлатилади.

Фицин ферменти борлиги учун тромбоз касалида истеъмол қилиш буюрилади. Фицин ферменти томирда ивиб қолган қонни эритади.

АМОРФА (Аморфа кустарниковая – *Amorpha fruticosa*) – баландлиги 1-2 метртага бўлган манзарали бута. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида боғларда, истироҳат боғларида ўстирилади ҳам ёввойи ҳолда учрайди. Тошкент вилоятида ҳам ўстирилмоқда. Пояси тагидан шохланган. Узунлиги 17 см келадиган барглари тоқ патли мураккаб бўлиб, банди билан поя ва шохларда кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари чўзиқ, эмлипссимон ёки чўзиқ тухумсимон текис қиррали, ўткир учли. Майда пушти бинафша ёки тўқ бинафша рангли гуллари барг қўлтифи ва шохларни учидан чиққан шингилга тўпланган.

Меваси – чўзиқ бир икки уруғи дуккак. Уруғи майда, силлик, жигарранг ва ялтироқ. Июнь ойидан гуллайди, меваси пишганда йигиб, янчиб, элаб, уруғи ажратилади. Аморфа уруғи таркибида роноидлар турига кирадиган аморфин гликозиди, ёғ, оқсил ва бошқа моддалар бор. Аморфиннинг тинчлантирувчи ва юрак тонусини кучайтирувчи таъсири бор. Шунинг учун аморфин препарати – фрутицин (таблетка ҳолида чиқарилади) илмий тиббиётда юрак неврози, асаб қўзғалишида тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

АРСЛОНҚҮЙРУҚ (Пустырник Туркестанский – *Leonurus Turkestanicus*) – Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида, тош-тупроқ аралаш қияликларда ўсади. Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишади. Гуллаган пайтида поясининг юқори қисмидан 30 см ўриб олиб, салқинда куритиб, майдалаб, элаб





тозаланади. Ўсимлик таркибида алкалоидлар, эфир мойи, флавоноидлар, сапонинлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси билан юрак қон-томир системаси ва асаб касалликлари даволанади. Ер устки қисмидан тайёрланган настойка тинчлантируучи, қон босимини пасайтирувчи дори сифатида қўлланади. Настойка, кукун (порошок) ва таблеткалар заводларда тайёрланиб, дорихоналарга юборилади. Ҳамда унинг бачадон тонусини оширувчанилиги клиник тажрибада аниқланган.

Дамлама қуйидагича тайёрланади:

1. Қайнатиб совутилган 2 стакан сувга ўсимликнинг ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солиб, 6-8 соат дамлаб қўйилади-да, сўнг сузига кунига 3-4 маҳал чорак стакандан овқатдан олдин ичилади.

2. 2 стакан қопқоқли идишдаги қайнаб турган сувга, ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 15 гр солиб, 2 соат дамлаб қўйиб, сўнгра докадан ўтказиб, 1 ош қошиқдан кунига 3-5 маҳал овқатдан ярим соат олдин ичилади.

Арслонқўйрукни дамлама, қайнатма, настойкаларини юрак қон-томир, асаб касалликларида кенг қўлланади.

АЧЧИҚМИЯ – Халқ табобатида қадим замонлардан бери қуйидаги турлари мавжуд: **Оддий аччиқмия**, оқмия, талхак (Горчак обыкновенный – *Goebelia alpesciroibes*); **Қалин мевали аччиқмия**, эшакмия, талхак (Горчак толстоплодный – *Goebelia pachicarpa*).

Аччиқмия турлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятларининг чўл, ярим

чүлида, қирларида, тоғ этакла-рида, тепаликларида, бегона ўт сифатида буғдойзорларда ва бошқа жойларда ўсади. Аччиқмия турлари кўп йиллик, оқишяшил рангли, бўйи 30-70 см гача етадиган ўт ўсимлик, пояси бир нечта тик ўсуви, асос қисмидан бошлаб шохланган. Барги тоқ патли, мураккаб бўлиб, банди билан поядা кетма-кет жойлашган. Баргчалари эллипссимон. Гуллари оч-сариқ рангли, шингилга тўпланган. Аччиқмия турларини ҳамма қисми заҳарли. Меваси – кўнғир рангли, тўғноғичсимон, пишганде очилмайдиган йўғон дуккак. Апрель-май ойларида гуллаб, июнь-июлда меваси пишади.

Аччиқмияниг ер устки қисмини гуллаш даврида йиғилиб, салқин ерда меваси пишганида алоҳида ўриб олиб, қуритиб, янчиб, элаб уруғи ажратилади. Турларидан ажратиб олинган алкалоидлар йифиндисидан пахикарпин, матрин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинади.

Илмий тиббиётда аччиқмия турлари алкалоидининг препарати мускул дисторофияларида туғруқни тезлаштирувчи ҳамда майда қон томирлар спазмидаги, қон босими (гипертония)ни пасайтирувчи восита сифатида кўлланади.

БАНГИДЕВОНЛ (Дурман обыкновенный – *Datura stramonium*) – көртимизнинг барча худудларида, йўл ёқаларида, сув бўйларида, аҳоли яшайдиган срларга яқин жойларда ҳамда бегона ўт ўсимлик сифатида зкинзорларда, бояларда ва бошқа ерларда ўсади. Бир йиллик, бўйи 100-120 см гача бўлган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, айрисимон шохланган. Барги йирик, чўзиқ тухумсимон, йирик тинпсимон қиррали, поядада





банди билан кетма-кет жойлашган. Гули оқ, ёқимсиз ҳидли, йирик, воронкасимон шаклда. Июль-август ойларида гуллаб, меваси июлдан етилади. Меваси – тухумсимон, қаттиқ ва йўғон тиконлар билан қопланган чаноқ. Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли. Барги ва меваси ишлатилади, соя ва қуруқ ерда қуритилади. Меваси пишганида йигиб, қуритиб, янчиб, галвирдан ўтказиб уруғи ажратилади. Ўсимликнинг ҳамма қисмida эфир мойи, каротин, ошловчи моддалар бор. Баргдан чекишига астматол тайёрланади.

Абу Али ибн Сино унинг баргини кўз касалига ва ўйталга қарши дориларга қўшиб тайёрланган.

Халқ табобатида бангидевонанинг барги асаб дардларида тинчлантирувчи, ревматизм, тиш, нафас қисиши, кўкрак, бел оғриганда оғриқ қолдирувчи ва ухлатувчи дори сифатида қўлланилади.

Кўз оғриганда янги узиб олинган баргни эзиб кўзга боғланади. Уруғидан олинган мой бавосил дардида оғриқ қолдириш учун йўрон ичак шишларига суртилади.



БОДРИНГ (Огурец посевной – *Citum sativus*) – Ўзбекистоннинг ҳамма срларида ўстирилади. Бодринг таркибида кўп микдорда сув, калий, натрий, кальций, магний, темир, фосфор тузлари, йод, каротин, витамин B_1 , B_2 , B_6 , PP, C, пантотен кислота ва бошқа моддалар бўлади.

Халқ табобатида бодринг меваси ва унинг шираси сувчечак, меъда оғрифида, қабзиятда, ўпка сили ва бошқа касалликларда даво қилинади. Бодринг ширасини асал билан аралаштириб, юқори нафас йўллари

шамоллаганда ва йўталда 2-3 ош қошиқдан кунига 2-3 марта истеъмол қилинади. У ички безлар шира ишлаб чиқарилишини оширади, оқсил ва ёғларнинг организмга сўрилишини яхшилади. Бодринг ва унинг уруғи сийдик ҳайдаш хоссасига эга. Шунинг учун юрак қон-томир касалига, буйрак, сийдик йўли дардларида кўп истеъмолга буюрилади.

ГОВЗАБОН, ҳўқиз тили – кампирчопондошлар оиласидан, бир йиллик ҳам кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари сертук бута. Гуллари тўғри бўлиб, гажак тўпгулга бирлашган. Шона (тож) бўғизи қипиқчалар билан қопланган. Европа ва Осиёда 440 тури мавжуд. Кўпинча ташландиқ ерларда ёввойи ҳолда ўсади. Хушманзара ўсимлик сифатида ҳам экилади. Говзабон, айниқса, куйдирилганлари болалардаги оғиз ловуллаб, оғришини тезда тузатади. У бемор асабини тинчлантириб, кайфиятини яхшилади. Юрак қон-томирига ижобий таъсир қилиб, юракни бақувват қилиб, юрак фаолиятини яхшилади. Йўтал ва ўпка пайининг қирилишига, айниқса, асал суви ва шакар билан қайнатилгани меъда-ичакка ҳам яхши таъсир қилади.

Говзабон юрак, асаб касалликларида фойда қилади.

ДЎЛАНА (Боярышник – *Grataegus prontica*) – раъногулдошлар оиласидан. Бўйи 10 метргача. Июнда гуллаб, меваси сентябрда пишади. Барги кўк яшил, устки ва остки томони сийрак тукли, йирик барглари туксиз. Баргларини эни ва бўйи деярли бир хил катталикда. Барг банди япроқлардан 3-6 марта кичик. Ромб ёки тескари тухумсимон, асоси кенг понасимон 5-7 та булакчага бўлинган бўлади. Тўпгули зич, диаметри 3-5 см тукчалари



чалпашиб кетган. Косача барги уч қиррали. Гултожи-нинг диаметри 2 см гача, меваси йирик булиб, диаметри 3 см гача сариқ ёки тўқ сариқ рангли, учи ва мева банди томони бир оз ялпайган 2-3 та данакчали, ён томони силлиқ томли ва қуруқ жойлашган. Баъзан майда қияликларда якка-якка, тўп-тўп айрим ҳолларда дўланазорлар ташкил этган.

Меваси яхши дори-дармон. Пишганда меваси жуда ёқимли, таъми мазали. Иштача билан истеъмол қилинади. Дизентерияга даво бўлади. Чехия тиббиётида дўлана турларини жуда қадрлашади. Улар оғриқни босишга, юрак фаолиятини, асабни яхшилашга, хаёл паришенликка, склерозга, қон босимни туширишга кўллашади.



ЖЎКА, липанинг икки тури бор: юраксимон жўка (Липа серцевидная – *Tilia cordata*), кенг барг жўка (Липа широколистная – *Tilia platyphylos*). Юртимиз шаҳарларида, кўча ва боғларда, манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Юраксимон жўка бўйи 25 м гача бўлган дарахт. Барги қийшик юраксимон, ўткир учли, арасимон қиррали, юқори томони туксиз, пастки томонидаги томирлари бурчагида тўп-тўп жойлашган сариқ туклари бор. Барглари узун банди ёрдамида пояди кетма-кет жойлашган. Гуллари гул олди баргчали, сарфиш оқ рангда 5-11 та гулдан иборат ярим соябонга тўпланган. Тўпгулнинг асосий ўқи гул олди баргчасининг ўрта томири билан тулашиб кетган. Гул олди баргчаси чўзиқ ланцетсимон, тўмтоқ учли, текис қиррали. Меваси – тухумсимон-шарсимон 1-2 уруғли ёнғоқча. Июнь-июнда гуллаб, меваси август-сентябрда етилади. Кенг барг жўка барг пластинкасининг пастки томони оқиши тук-

ри бурчагида тўп-тўп жойлашган сариқ туклари бор. Барглари узун банди ёрдамида пояди кетма-кет жойлашган. Гуллари гул олди баргчали, сарфиш оқ рангда 5-11 та гулдан иборат ярим соябонга тўпланган. Тўпгулнинг асосий ўқи гул олди баргчасининг ўрта томири билан тулашиб кетган. Гул олди баргчаси чўзиқ ланцетсимон, тўмтоқ учли, текис қиррали. Меваси – тухумсимон-шарсимон 1-2 уруғли ёнғоқча. Июнь-июнда гуллаб, меваси август-сентябрда етилади. Кенг барг жўка барг пластинкасининг пастки томони оқиши тук-

лар билан қоплангани, гул түплами 2-5 та йирикroc гуллардан ташкил топгани, меваси 5 қирралы бўлиши билан юраксимон жўқадан фарқ қилади. Жўка гулланда гултўпламлари гул олди баргчалари билан бирга қирқиб олинади ва соя ерда қуритилади. Жўка турлари гули таркибида эфир мойи, тилиацин гликозиди, сапонинлар, флавоноидлар, каротин, витамин С, ошловчи, шиллиқ моддалар бор.

Халқ табобатида жўка турлари гулидан тайёрланган дамлама (иссиқ ҳолда) турли шамоллаш касалликларида терлатувчи, йўтал, турли қон оқишиларини тұхтатувчи, дори сифатида бош оғриғи, томоқ чайишга ҳамда турли асаб касалликларини даволашда ишлатилади. Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув күйиб, устига қуритилган ва майдаланган гулдан 1 ош қошиқ солиб, ярим соат дамлаб, докада сузиб, кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан илитиб ичилади.

ИТТИКАНАК (Череда трёхраздельная – *Bidens tripartita*) – Ватанимизнинг ҳамма вилоятларида учрайди. Иттиканак нам ўтлоқларда, ариқ, дарё бўйларида, кул ёқаларида, шолизорларда, бегона ўт сифатида экинзорлар орасида ва бошқа ерларда ўсади. Пояситик ўсувчи, туксиз ёки сийрак тукли, асос қисмидан бошлаб, қарама-қарши шоғланган. Барги 3 бўлакли, калта қанотли банди билан пояда қарама-қарши ўрнашган. Гуллари хира сариқ рангли бўлиб, саватчага тўпланган. Меваси – чўзиқ тескари тухумсимон, тиконли 4 қирралы писта. Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси августда пишиди. Ўсимликни гуллаш одидан ва қисман гуллаш



даврида поясининг юқори қисмидан ўроқ билан ўриб олиб ёки йирик барглари қўл билан териб, салқин ерда қуритилади.

Таркибида каротин, витамин С, эфир мойи, флавоноидлар, кумаринлар, полифеноллар, полисахаридлар, оз миқдорда алкалоидлар, ошловчи, шилмиқ, аччиқ ва бошқалар бор.

Халқ табобатида иттиканакнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси ва қайнатмаси рак касаллигини ва ширинчанинг баъзи турларини даволайди. Иштача очувчи, қон оқишини тұхтатувчи, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи восита сифатида қўлланилади.

Қайнатмаси баъзи тери дардлари, гүш, қўтири ҳамда болалар диатезида қўлланадиган шифобаҳш ванналар таркибиға киради.

Дамлама ёки қайнатма тайёрлаш учун 1 идишга 0,5 литр қайнаб турган сув қуиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 2 ош қошиқ солиб, иссиқ газ печига 12 соат қўйилгандан сўнг докада сузуб олиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволанади. Илмий тиббиётда иттиканак препаратлари (дамлама ва настойкаси) буйрак, сийдик йўллари дардларида сийдик ҳайдовчи ва шамоллашда терлатувчи, ҳазмни яхіпиловчи дори сифатида ишилатилади. Настойкаси умумий тинчлантирувчи ва қон босимини тушириши тажрибада аниқданган.



КАНДИР (Кенdir – *Arcosupum cannabinum*) – бўйи 1-1,5 метргача етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Июнь-август ойларида гуллайди, меваси сентябрь-октябрда етилади. Бу бебаҳо шифобаҳш ўсимлик Тошкент вилоятида ҳам етиштирилади. Илдиз тизими ер остида кучли тараққий этган бўлиб, ўсимликнинг вегетатив

кўпайишида катта аҳамиятга эга. Ер остида илдизининг юқори қисмидан турли томонга йўналган ҳолда горизонтал жойлашган ётиқ новдалар ўсиб чиқади. Ётиқ новдалари ерда устки поя ва илдизлар ҳосил қиласди. Натижада кандир үсимлиги бир-бири билан ер остида чатишиб, гектарларга тарқалиб кетади. Пояси тик ўсувчи, яшил ёки тўқ қизил рангда бўлиб, қарама-қарши шохланган. Гуллари рўваксимон қалқонга тўпланган. Барги оддий, ланцетсимон ёки чўзиқ тұхумсимон, ўткир учли, текис қирралы, пояды қисқа банди билан қарама-қарши, гоҳо кетма-кет ўрнашган. Меваси пишганда очиладиган баргча. Сентябрь-октябрда 3-4 ёшга тўлганда ер остки қисмини ковлаб олиниб (чуқурроқ жойлашган илдизлари йиғилмайди), илдизпоясини поядан ажратиб, тупроқдан тозалаб, сувда ювиб, кўндалангига майда қисмларга қирқиб, очиқ ҳавода қуритилади. Кандирнинг ер остки қисми илдизпояси ва ётоқ новдалари таркибида юрак гликозидлари танин, каучук, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бор.

Илдизи ва новдалари таркибида цимарин, К-строфантин ва бошқа моддалар бор. Юрак гликозидлари ажратиб олинган. Доривор препаратларидан цимарин, кендоziд эритма ёки ампула ҳолида чиқарилади. Юрак касалмиклари (қон айланишини 2 ва 3 даржали бузилишлари)да қўлланади.

КИЙИК ЎТ – (Зизифора паҳуҷая – *Ziziphora pedicellata*) – лаб-гулдошлар оиласига мансуб, бўйи 40 см гача бўлади. Кўп йиллик үсимлик. Июнь-июль ойларида гуллайди. Июль-августда уруғи етилади. Тоғли туманларда, тоғ ёнбағирларида, шағал ва тошли, кўнғир тупроқли ерларда, дениз сатҳидан 2400 метр баландлик



2014/50
nomidagi
O'zbekiston MK

ларда ўсади. Халқимизнинг севимли зиравор таомларидан. Ундан турли таом тайёрланиб, истеъмол қилинади. Халқ табобатида юрак қон-томир касалмиларида, юрак санчигига қарши қайнатиб, у оқ-яшил ёки сарик рангли. Барг ва тўпгулларида 0,06-2,3 фоиз эфир мойи жигаррангли бўлиб, таркибини ментол, пулогон, пипенлар ташкил қиласиди. Хуштаъм ва шифобахш бўлгани учун озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади.



ЛИМОНЎТ (Мелисса лекарственная – *Melissa officinalis*) – бўйи 30-60 см гача лимон ҳидли кўп ийллик ўт ўсимлик. Тошкент, Сурхондарё вилоятларининг тоғли худудларида боғларининг ўрта қисмидаги дарахтлар ва катта тошлар тагидаги сояларда ўсади. Июнь-август ойларида гуллаб, июнь-сентябрда меваси пишади.

Пояси тўрт қиррали, шохланган.

Барги тухумсимон ўткир учли, йирик аррасимон қиррали бўлиб, пояди банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари барг қўлтифида ҳалқасимон тўпгулни ташкил қиласиди. Меваси – тўртта ёнғоқча. Лимонўт гуллаганда барги, ер устки қисмини йиғиб, сояда қуритиб, ғалвирда элаб, тозалаб, йирик поялар ташлаб юборилади. Таркибида эфир мойи, витамин С, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино лимонўтни юрак фаолиятини, овқат ҳазмини яхшилашга ишлатган. Халқ табобатида баргдан тайёрланган дамлама камқонликда, овқат ҳазмини яхшилашда, юрак қон-томир тизими, асаб касалмиларида, тиришиш дардларида оғриқ қолдирувчи ҳамда сурги, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Лимонўтдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб, ўсим-


ликининг майдаланган ер устки қисми ёки баргидан 8 чой қошиқ солиб, 4 соат дамлаб қўйилади, докада сузиб, юқоридаги касалликларни даволаш учун кунига 4 маҳал овқатдан оддин 0,5 стакандан ичилади. Дамлама, эфир мойи юрак фаолиятини яхшилашда, нафас олиш қийинлашганда даволаш учун қўлманади. Шунинг учун қон босимни туширишда ишлатилади.

ОЛХЎРИ (Слива домашняя – *Prunus gomentica*) – Ўзбекистоннинг барча вилоятларида мевали дарахт сифатида ўстирилади. Бўйи 12 метргача етади. Танаси жигарранг пўстлоқли, барглари эллипссимон, тухумсимон, ўткир арасимон қиррали бўлиб, пояга банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ рангли. Апрель ойида гуллаб, меваси июль-августда пишади. Олхўри мевасининг кимёвий таркиби унинг навига боғлиқ.

Меваси – турли рангли ва шакли, данакли ҳўл мева. Мева химиявий таркиби унинг навига боғлиқ. Мева таркибида қандлар, органик кислоталар, минерал тузлар, каротин, витамин С, В, бўёқ, пектин, азотли ва бошқа моддалар бўлади. Мева ич юмшатувчи восита дир. Бундан ташқари, юрак қон-томир тизими касалликлари даволанади. Олхўри қон босимини туширадиган доривор восита. Атеросклероз, ўт пуфаги, буйрак касалликларига шифо бўлади.

Абу Али ибн Сино мевасини ўт ҳайдовчи ва ич юмшатувчи дори сифатида ишлатган. Семиришига мойил, диабет дардли беморлар олхўрини кўп истеъмол қиласликлари керак.

ОЛМА (Яблоня домашняя – *Matus domestica*) – бўйи 10-12 метргача етадиган сершоҳ бу мевали дарахт Ўзбекистонда кўп экилади. Пояси кулранг, қўнғир-





кулранг пўстлоқ билан қопланган. Барглари тухумсимон эллипсимон, текис ёки тишсимон қиррали бўлиб, пояда банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ пушти рангда бўлади. Апрель ойида гуллайди, меваси июнь-августда етилади. Меваси таркибида ошловчи моддалар, кальций, калий, темир тузлари, қандлар, эфир мойи, пектин, фитонцидлар, органик кислоталар ва бошқа моддалар бўлади.

Абу Али ибн Сино тоф олмаси шарбати ва сувининг меъда заифлиги ва сафро қусиш дардларини даволаш учун ва ташналикни қондирувчи ҳамда ич кетишини тўхтатишга ишлатган. Халқ табобатида олмани майдалаб ёки кесилган бўлакчаларини эзib, баданнинг куйган ва совуқ олган ерларига ҳамда узоқ вақт ичидага тузалмайдиган яраларни боғлаб даволанади. Илмий тиббиётда меъда-ичак (колит ва энтероколит) кам-қонлик, юрак қон-томир дардларида кўпроқ олма истеъмоли буюрилади. Олма организмда кальций ва оксалат кислоталарини меъёрга келтиради.



САБЗИ икки тури оммабоп: ёввойи сабзи (Морковь дикая – *Daucus coryota*) ва экиладиган сабзи (Морковь посевная – *Daucus sativus*). Ёввойи сабзи Ўзбекистоннинг ҳамма худудларида суфориладиган ерларда (кўпроқ салқин жойларда) ўсади. Сабзининг иккичи тури Ўзбекистоннинг ҳамма худудларида кўплаб экилади. Сабзи икки йиллик ўт ўсимлик. Биринчи йили, илдизолди барглар ва илдизмева, иккичи йили эса поя ҳосил қиласи. Пояси тик ўсувчи, тукли, чизикли, ичи ковак, юқори қисми шохланган. Барги оддий,

күп марта патсимон ажралган. Гуллари мураккаб соя-
бонга түпланган. Меваси – қүшалоқ писта. Май-июнь
ойларида гуллаб, июлда меваси пишади. Ёввойи саб-
зининг фақат меваси, ўстирадиган сабзининг илдиз-
меваси, барги ва меваси ишлатилади. Сабзи меваси
пишганда ўсимликнинг ерустки қисмини йигиб, қури-
тиб, янчиб, элаб меваси ажратиб олинади. Илдизме-
вани қазиб, баргидан ажратиб, тупроқдан тозалаб,
баргни соя ерда куритиб, илдизмевани маҳсус ерда
сақланади.

Ёввойи сабзи меваси таркибида эфир мойи, ёғ,
флавоноидлар, фуранхромонлар ва бошқа бирикма-
лар бор. Эфир мойи, асосан, сесквитерпенлар, сеск-
витерпен спиртлари ва бошқа бирикмалардан таш-
кил топган.

Ўстириладиган сабзининг илдизмевасида турли
витамин В₁, В₂, В₆, РР, С, К ва каротинлар, фермент-
лар, углеводлар, пантотен кислота, флавоноидлар, ку-
маринлар, эфир мойи, ёғ, фосфатидлар, пектин ва
минерал моддалар, мевасида эфир мойи, ёғ, флаво-
ноидлар, фуранхромонлар, баргидан эса витамин В₂,
С, каротин бор.

Абу Али ибн Сино ёввойи сабзи мевасини ва ўстири-
ладиган сабзи барги билан мевасини сийдик ҳайдовчи
дори сифатида ва турли яраларни даволаш учун иш-
латган. Илдизмевасини ичак оғриғи, сурункали йўтал
ва плеврит касалликларига дано қилган. Пиширилган
мевани истисқо касаллигига истеъмолга буюрган.

Халқ табобатида сабзи билан қадимдан рак каса-
линни даволашган. Илдизмевадан ажратиб олинган
шира ёки сутда қайнатилган ва майдалангандан сабзи
йўтал, овоз бўғилганда ҳамда бавосил, буйрак-тош,
авитаминоз ва камқонлик касалликларида берилади.
Сабзи турли витаминалрга бой қимматли озуқа маҳ-
сулот.

Сабзи қувватсизликда, юрак қон-томир касаллик-
ларини даволашда яхши натижга беради. Бундан таш-

қари жигар, буйрак авитаминоз ва камқонлик дардларини даволаш учун берилади. Бунинг учун бир нечта сабзи илдизмеваси қирғич билан қирилади ёки бошқа усуллар билан шираси ажратиб олинади. Ширага (мазасига қараб) асал ёки шакар қўшилади ва кунига 1 ош қошиқдан 4-5 маҳал ичилади. Илдизмева витаминлар етишмовчилигидан келиб чиқсан авитаминоз, гиповитаминоз ва юрак қон-томир касалликларини олдини олиш ва даволашда ишлатилади. Сабзидан ажратиб олинган даукарин таблеткаси атеросклероз ва кўкрак қисиши касалликларини даволанади.



СЕДАНА (Чернушка посевная – *Nigella sativa*) – бўйи 20-75 см гача бўлган бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида, гоҳо Самарқанд вилояти экинзорларида бегона ўт сифатида ҳам учраб туради. Пояси юмaloқ шохланмаган ёки ўрта қисмидан бошлаб, шохланган. Барги оддий, 2-3 марта патсимон ажралган. Поянинг пастки барглари бандли, юкоридагилари эса бандсиз бўлиб, кетмакет жойлашган. Меваси – баргча. Уруғи майда, уч қиррали, буришган, чуқурчали, оч қўнғир рангга бўялган. Май-июнъ ойларида гуллаб, меваси етилади. Меваси пишишига яқин ўсимликни ўриб, қуритиб, янчиб, элаб, уруғи ажратилади. Седананинг уруғи таркибида эфир мойи, ёғ, мелантин ва аччиқ нигеллин гликозидлари бор.

Абу Али ибн Сино седанани бош оғрифи, юз нервининг фалажи, катарктани даволаган. Седанани асал ва иссиқ сув билан қўшилган дамламаси, сийдик пулфаги, буйрак-тош касалликларига шифо қилган.

Халқ табобатида седана уруғи дамламаси тиши оғрифини қолдирувчи, гижжа ҳайдовчи, ухлатувчи (бо-

лалар учун) ҳамда меъда касалликларида, шамоллаш ва томоқ оғриғида ишлатилади.

Седана уруғидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишігі 1 стакан қайнаб турған сув қуйиб, устига 1 чой қөшиқ уруғ солиб, идишни оғзини ёпіб, 1 соат дамлаб қуйиб, докада сузиб, кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

ТАРВУЗ (Арбуз обыкновенный – *Citrullus vulgaris*) – Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида кўп миқдорда экилади. Тарвуз 1 йиллик, пояси 4 метргача етадиган ўт ўсимлик. Пояси шохланган дагал тукли, гажаклари 2га бўлинган. Барги 3-5 бўлакли, бўлаклари 2-3 марта қирқилган, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ рангли, 1 жинсли, якка-якка жойлашган. Меваси – йирик, кўпурғали, серэт, ширали, турли ранг шаклдаги резавор мева. Уруғи ясси тухумсимон шакли ҳар хил рангли бўлади. Июнь-июлда гуллаб, меваси август-сентябрда пишади. Тарвуз мевасининг юмшоқ қисми таркибида жуда кўп миқдорда сув, қандлар, фоли кислота, витамин С, РР, В, В₁, каротин, калий, темир, магний тузлари ва бошқа моддалар бўлади.

Абу Али ибн Сино тарвуз мевасининг юмшоқ қисми ва уруғини жигар, буйрак дардларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Ўт пушфаги, сийдик йўллари касаллигига кўп ейилади.

Халқ табобатида тарвуз мевасининг юмшоқ қисми ва шираси чанқоқ босишга ишлатилади. Юрак ва буйрак дардларида, сийдик ҳайдаш учун ейип тавсия қилинади. Жигар дардидаги тарвуз организмдан ортиқча суюқликни чиқариш билан бирга жигар ҳужайраларини осон сўрилувчи қанд билан таминлайди. Склероз ва қон камайганда кўпроқ истеъмол қилиш буюрилади.





ТОК (Виноград культурный – *Vitis vinefera*) – 30 метр узунликда бўлиб, жингалаклари ёрдамида дараҳтларга осилиб ўсади. Токнинг турли навлари юртимизнинг ҳамма жойларида кўп экилади, ёввойи ҳолда ҳам учрайди. Тошкент (Оҳангарон дарё водийси), Сурхондарё (Тўпалаңг дарё ҳавзаси) – да ёввойи ҳолда учрайди. Шохлари қўнғир-сариқ рангли ва бўғинли бўлади. Барги юмалоқ ёки буйраксимон, асос қисми ўйилган, ўткир ёки тўмтоқ учли, тиҳсимон қиррали 3-5 бўлакли, кетма-кет ёхуд панжасимон қирқилган бўлиб, узун банди ёрдамида шохлари кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, рўвакка тўпланган. Меваси – турли шаклда ва рангли, ширин ёки нордон мазали сершоҳ ҳўл мева. Май-июнь ойларида гуллаб, июль-октябрда пишади. Меваси пишганда узилади. Баргини эса турли даврларда баҳорда (барги ёзилганда) ёки меваси пишганда йифиб, соя ерда қуритиб ёки қуритмасдан ишлатилади.

Меваси таркибида кўп миқдорда қандлар, органик кислоталар, витамин С, В, бўёқ ва бошқа моддалар, уруғида ёғ, ошловчи моддалар бор. Баргидаги витамин С, В, К, каротин, никотин, фолат кислота, флавоноидлар, катехинлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Ибн Сино ток меваси билан буйрак, қовуқ, ич оғриқни даволаган, оғриқ қолдиришга ишлатган.

Жингалак баргини бош (кўз шишганда) қулоқ, меъда касалликларида ишлатган. Барг шираси билан дизентерияни, поя ва шохларининг кули билан тери дардларини даволаган.

Халқ табобатида ток меваси билан буйрак, қовуқ, меъда-ичак, юрак, жигар, бавосил, подагра касалликлари даволанади. Кувватсизликда, қон оқишишни тўхташида, сийдик, ўт ҳайдашда, иштаҳа очишида ҳамда

парҳез овқат сифатида ишлатилади. Ток баргининг дамламаси ёки қайнатмаси билан томоқ оғригандага чайилади, тери хасталикларида тери ювилади. Қутилган баргининг кукуни бачадондан қон кетгандага тұхтатиши учун 2-4 гр дан ичилади. Ток гули, ёш барглари овқат учун ишлатилади.

Илмий тиббиётда ток меваси меъда-ичак касаллигыда (спастик ва атоник қабзиятда, функционал невроз туфайли меъда кислотаси ошиб, моддалар алмашинуви бузилгандага, неврозда, камқонликда, сурункали бронхит касалликларида) құлланылади. Ток меваси үпка сили ва асаб дардлари туфайли дармонсизлик ва ҳаддан ташқари озиб кетишінде, организмга құвват берішінде ишташа очишида құлланади. Ток мевасининг дори препарати (ампула ҳолидаги) натуrozа коллапс, күп қон йүқотиши натижасыда қон томирлар тонусининг ўзгаришида ҳамда қон айланишининг бирданига сусайиши туфайли (шок ҳолаттарда) руҳий ёки жисмоний зарба оқибатида тананинг оғир шикастланиши каби ҳолларда венага юборилади. Ҳозирда ток баргидан жигар касалида ишлатиладиган (холосас каби) витахол препарати олинган. Холосас сингари ишлатилади.

ТОМИРДОРИ (Горец земноводный – *Polygonum amphibium*) – бўйи 1 метргача бўлган кўп йиллик ўт ўсимлик. Июнь-сентябрда гуллаб, меваси пишади.

Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларининг секин оқар дарёларида, қўлларда, суви қуриётгандаги ариқ бўйларида, сувориладиган экинлар орасыда ўсади. Пояси бўғинли, шохланган. Барги чўзиқ ланцетсимон бўлиб, банди билан поядага кетма-кет ўрнашган. Гуллари тиниқ пушти рангли поява шохлари учидаги жойлашган бўлиб, бошоқсимон



түпгүлни ташкил этган. Меваси – майда түк жигарранг тухумсимон юмалоқ ёнғоқча. Ўсимликнинг ер остки қисми илдиз, илдиз пояси ҳамда барги йигилади. Ер остки қисми кузда ёки баҳорда ковлаб олиб, сув билан ювиб, йирикларини майдалаб, очиқ ҳавода қуритилади. Таркибида органик кислоталар, флавоноидлар, витамин С, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ер остки қисмидан тайёланган қайнатма подагра, захм, бод, асаб касалликларида, шунингдек, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишилтилади. Баргидан тайёланган дамлама буйрак-тош касаллигини даволайди.

Ўсимликдан қайнатма тайёлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1,5 стакан сув қуиб, устига 1 чой қошиқ ўсимликни майдалангандан ер остки қисмидан солиб, 10 дақиқа қайнатиб, 2 соат сақлаб қўйилади. Сузиб, юқоридаги дардларни даволашда, овқатдан ярим соат олдин кунда 3 маҳал ичилади.

Ўсимлик баргидан дамлама тайёлаш учун идишга 1,5 стакан қайнаб турган сув қуиб, устига майдалангандан баргидан 1 чой қошиқ солиб, 1 соат дамлаб қўйилади. Докада сузиб, юқоридаги касалликларни даволаш учун кунига 4 маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичилади. Ҳозирда ўсимликни сийдик ҳайдаш хусусияти борлиги тажрибада аниқланди.

ТОҒ ҚУДДУСИ (Буквица облиственная, чистец буквицецветный – *Betonica foliosastachys betoniciflora*) – Тошкент вилоятдаги тоғларнинг ўрга қисмидаги буталар орасида ўсади. Кўп йиллик, бўйи 40-100 см га етадиган ўт ўсимлик. Июнь-август ойларида гуллаб, июль-сентябрда етилади. Пояси тик ўсуви, қаттиқ, сер-



тук, шохланмаган. Барги чўзиқ, чўзиқ ланцетсимон ёки ланцетсимон йирик, арасимон қиррали. Пояснинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, юқоридагилари бандсиз бўлиб, қарама-қарши жойлашган. Гуллари поя учida бошоқсимон тўпгулни ташкил этган. Меваси – 4та ёнғоқча. Ўсимлик гулланда ер устки қисмини йириб, соя жойда қуритилади. Таркибида эфир мойи, алкалоидлар, флавоноидлар, витамин С, антоцианлар ва бошقا бирикмалар бор.

Халқ табобатида тоғ қуддуси гулидан тайёрганланган қайнатма билан юрак қон-томир касалликлари даволанади.

Илмий тиббиётда ер устки қисмидан тайёрганланган настойкаси қон тұхтатувчи (айниқса, бачадондан) сифатида қўлланади.

ТУРКИСТОН АДОНИСИ, гулизар-дак, сариқгул (Горицвет Туркестанский – *Adonis Turkestanica*) – күп йиллик, бўйи 30-80 см га етадиган ўт ўсимлик. Июнь-июль ойларида гуллаб, меваси июль-август етилади. У Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари тоғларида, тоғларнинг юмшоқ тупроқлари қияликларида, арчазорларида учрайди. Меваси – кўп ёнғоқчали тўп мева. Пояси бирнечта шохланмаган ёки кам шохли. Барги ланцетсимон, ўткир учли, 1-2 бўлакчаларга 2 марта патсимон ажralган бўлиб, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари якка-якка ҳолда поя учida ўрнашган. Ер устки қисми гуллашидан бошлиб, мева пишгунга қадар ўрилиб, тезда соя жойда қуритилади (йўқса қорайиб кетади). Таркибида юрак қон-томирига ижобий таъсир қиласидиган шифобахш гликазидлар бор.



Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси бадан увишиши, иситма, нафас олиш қийинлашганда қўлланади.

Илмий тиббиётда ўсимликнинг иккинчи тури баҳор адониси ҳам бир хил ишлатилади. Бу ўсимликнинг доривор препаратлари (дамлама, адонизид) билан юрак қон-томир дардларини даволанади.



ТУХУМАК (Софора японская – *Sofora japonica*) – Ўзбекистоннинг барча кўчаларида, боғларида, канал ва ариқ бўйларида 20 метргача бўлган манзарали дараҳт ўстирилади. Июнь-июль ойларида гуллаб, меваси август-сентябрда пишади. Барги тоқ патли мураккаб бўлиб, шохларда қисқа

банди билан кетма-кет жойлашган. Баргчasi ўткир учли, эллипссимон, гуллари чўзиқ тухумсимон ёки кенг ланцетсимон, гуллари сариқ рўваксимон гултўпламни ташкил этади. Меваси – эти, қисқа бандли, тасбеҳсимон дуккак. Тухумак меваси, гулғунчаси ва барги билан йиғилади. Меваси пишганда йиғилиб, очик ҳавода қуритилади. Йиғилган гулғунчаси, барги соя ерда қуритилади. Мевасидан тайёрланган настойка яраларни ва куйганни даволашда ишлатилади.

Меваси таркибида флавоноидлар (рутин), витамин В, С, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Гулғунчаси, барги таркибида кўп миқдорда рутин бор. Рутин таблетка ва қуқун ҳолида чиқарилади. У витамин Р каби таъсир қилиб, қон томирларининг ўтказувчанлиги узилиб ва мўрт бўлиб қолиши оқибатида келиб чиқадиган касалликларни олдини олишда ҳамда даволашда қўлланилади.

УКРОП, шивит, бодиён (Украпа пахучий – *Anethum glaveolens*) – бир йиллик, ҳиди ўзига хос ёқимли ўт ўсимлик. Юртимиизнинг кўпчилик худудларида зиравор ўсимлик сифатида ўстирилади. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда етилади. Пояси тик ўсувчи, ўрта қисмидан бошлиб шохланган. Барг бўлаклари патсимон аж-ралган бўлиб, гуллари майда, сариқ, мураккаб соябонга тўпланган. Меваси – қўнғир рангли қўшалоқ писта. Ўсимлик гуллаш даврида ер устки қисмини ўроқ билан ўриб, соя ерда қуритиб, янчиб, элаб меваси ажратиб олиниади. Меваси пишганда йифилади. Таркибида хушбўй эфир мойи, флавоноидлар, витамин С, каротин, фитонцидлар ва бошقا моддалар бор. Меваси таркибида эфир мойидан ташқари ёғ ҳам бор.



Халқ табобатида ер устки қисмидан ва мевасидан тайёрланган дамламаси овқат ҳазмини яхшиловчи иштагча очувчи, ел ҳайдовчи, эмизикли аёллар сутини кўлпайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

ЧЕРКЕЗ, шўрак (Солянка Рихтера – *Salsola Richteri*) – Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистондаги кумлик ерларда ўсадиган доривор ўсимлик. Бўйи 2-3, баъсан 5 метргача бўлган бута ёки кичик дарахт. Йўғон шохларининг пўстлоғи очкулранг, ёш, 1 йиллик новдалари нинг пўстлоғи эса оқиш бўлади. Барги оддий, цилиндрсимон ёки ипсимон, тукли, серсув бўлиб, пояди кетма-кет жойлашган. Баҳорда чиқарган яшил барвлари май ойида сарғайиб, тўкила бошлайди. Кузда ўсимлик барвлари деярли тушиб кетади. Гуллари



поя учида, бошоқсимон рұвакни ташкил этади. Мева-си – қызил рангли гулқұрғони билан бирлашган бир уруғли ёнғоқча. Май ойининг охиридан ноябргача гул-лаб, меваси июлдан пиша бошлайды.

Кузда черкез меваларининг асосий қисми қизар-ганды (сентябрь-ноябрда) йиғиб, очиқ ҳавода курити-лади. Черкезнинг ҳамма қисмидә алкалоидлар, мева-сидан сальсолин, сальсолидин алкалоидлари олинади. Бу алкалоидлар қон томирларни кенгайтириш, қон босимини пасайтириш ва марказий асаб системаси-ни тинчлантириш таъсирга зга. Шунинг учун илмий тиббиёт ҳам тавсия қылган.



ЧОЙҮТ (Зверобой продыряв-ленный – *Hypericum perforatum*) – чойдошлилар оиласига мансуб бўйи 75 см гача етадиган ўт ўсим-лик. Пояси силлиқ юқори қисми шохланган. Барги тухумсимон. Тўпгуллари чўткасимон рўвак ёки тухумсимон шаклда. У адир-лардан бошлаб тоғ минтақаси-нинг ўрта қисмигача бўлган жой-ларда турли шароитга мосланган ҳолда учрайди. Май-август ойла-рида гуллаб, июль-сентябрда уруғи пишади. Аждод-ларимиз чойёт 99 дардга даво деб узоқ йиллардан иш-латиб келади. Ер устки қисмидан жигар касаллика-рида, ошқозон шамоллашида ҳамда буриштирувчи, сийдик ҳайдовчи ва буёқ сифатида ишлатилади. Бар-ги, новдаларининг тўпгуллари, айниқса, гулмаш дав-рида дори-дармонлик хусусияти кўп бўлади.

Илмий тиббиётда ошқозон-ичак, жигар, йўтал, зотил-жам ва яраларни даволашда, қон кетишини тўхтатиши-да шарбат ёки доривор препаратлари қўманади. Чойёт-дан антибактериал иманин оқсил препарат гипталбин тайёрланади. Бу препарат шикастланган тўқималарни

тиклайди. Шарбати, айниқса, юрак иш фаолиятининг яхшилайди. Қон босимини меъёрига келтиради.

Рус халқ табобатида ошқозон кислотасини меъёрлаштиришда ҳамда бўғин, бод, жигар, буйрак, бавоси си касалликларини даволашади.

Чех тиббиёти ҳам нафас олиш йўллари, ошқозон йўлларида учрайдиган дардларни даволашда қўллашган. Таркибида 3,8-13 фоиз танидин, 14 фоиз смола, 12 фоиз шакар, 0,2-0,5 фоиз эфир мойи, гипрозид, глюфлавоноидлар, гиперин, гиперицин, псевдогипероцин, каротин, антоцианлар, органик кислоталар, минерал тузлар, С, А витаминлари бор.

ЭФЕДРА уч тури: Тоғ эфедраси (Эфедра хвощевидная, хвойник – *Ephedra eguisetina*), чўл эфедраси, чўл қизилчasi (Хвойник средний – *Ephedra intermedia*), оддий эфедра, қизилча, Кузмич ўти (Хвойник двухколосковый – *Ephedra distachia*) учрайди.

Оддий эфедра – Қорақалпоғистоннинг майда тош-тупроқли ерларида ўсади. Бўйи 10-50 см гача бўлган бута ўсимлик. Ёз ойларида эфедранинг яшил ёш новдаларини ўриб олиб, қуритиб ёки қуритмасдан алкалоидлар олиш учун заводларга юборилади. Эфедра турлари новдаларининг таркибида алкалоидлар, витамин С, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Алкалоидлар йифиндисидан эфедрин, псевдоэфедрин алкалоидлари ажратиб олинган. Тоғ ва чўл эфедрасидан олинган алкалоидлар оддий эфедрадан олинмайди.

Халқ табобати тоғ эфедрасининг ёш новдаларидан тайёрланган қайнатмаси қаттиқ шамоллашда, бод, безгак, кўтири, меъда яраси ва бошқа касалликларни



даволаш учун ишлатилади. Оддий эфедранинг ёш новдаларидан тайёрланган дамлама ва қайнатма бод, нафас йўллари, подаграни, юрак, дизентерия ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Эфедранинг ҳамма турлари заҳарли.

Оддий эфедра ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуиб, усттига эфедранинг қуритиб майдаланган ер устки қисмидан 1 чой қошиқ солиб, 1 стакан қолгунча қайнатилади. Докада сузуб, кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Эфедра заҳарли бўлганидан қайнатмани кўрсатилган миқдордан ошиқ ичилмайди.

Илмий тиббиётда эфедра алкалоидлари гидрохлорид тузи оғир жарроҳлик травмалардан сўнгги кўп қон йўқотишда, колапс ҳолатларда, қон босими пасайган (гипотония)да, бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астмаси)да, миостения, миастения, эшакем тошгандан бошқа дардларда ишлатилади.




ЎРИК (Абрикос обыкновенный – *Armeniaca vulgaris*) – юртимизнинг ҳамма вилоятларида жуда кўп навлари мевали дарахт сифатида ўстирилади, ёввойи ҳолда тоғли ҳудудларда ўсади. Бўйи 5-8, баъзан 17 метргача етадиган мевали сершоҳ дарахт. Танаси кулранг-кўнгир тусли пўстлоқ билан қопланган. Ўрик меваси ва елими йифилади. Меваси – турли шаклда, сариқ қизғиши, заргалдоқ ва бошқа ранглардаги данакли ҳўл мева. Март-апрель ойларида, барг чиқармасдан один гуллайди. Меваси май-июлда пишади. Пишиб етилган ўрик мевасини қоқиб олиб, меванинг юмшоқ қисмидан данаги ажратилади. Кейин данагини чақиб, уруги йифилади. Уруғидан заводларда мой олинади. Дарахт пўстлоғининг дарз кетган жойидан ўрик елими оқиб чиқиб, қотиб қолади. Бу елим ҳам йирилади.

Үрик меваси таркибида қандлар, декстриин, пектин моддалар, органик кислоталар, каротин, витамин С, РР, минерал (айниңса, калий тузлари) ошловчи ва бошқа бирикмалар бор. Үрик мағзи таркибида жуда күп мой, оқсил моддалар, эмульсин ферменти ва амигдалин гликозиди бўлади. Үрик елими бутунлай арабиндан ташкил топган бўлиб, таркибида галактоза, арабиноза, глюкурон кислота, минерал ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида үрик мевасини таркибида калий тузлари ва темир бирикмалари кўп бўлганлиги учун юрак-қон томир тизими касалликларида камқонликни даволашда қўлланади.

Қандли диабети бор ва ортиқча семириб кетганларга истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

КИРҚБЎГИМ (Хвощ полевой – *Equisetum arvense*) – Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари нинг ариқ бўйларида, нам жойларда, экинзорларда, тоғ ёнбагирларидан бошлаб, ўрта қисмигача нам ерларда ўсадиган, илдизпоясидан ер устига 2 хил поя ўсиб чиқади. Уларни баҳорги ва ёзги поялар дейилади. Кирқбўгим кўп ёиллик, баҳоргиси жигарранг ёки қизғиш, юмшоқ, бўйи 25 см гача бўлиб, спора ҳосил қиласди. Баҳорги пояси споралар етилиб ва сочилиб кетгандан кейин (март-май ойларида) куриб қолади. Ёзги пояси яшил рангли қаттиқ бўғинли 6-18 қиррали узунлиги 10-50 см гача. Пояси бўринидан тўп-тўп шохчалар ўсиб чиқсан ва ҳалқа шаклида бўғинни ўраб олади. Ёзги пояси споралар ҳосил қилмайди. Бу поя март ойларида ўсиб чиқиб, кузда куриб қолади. Барги яхши тараққий




құлмаган, редукцияланған, тангасимон бўлади. Ёз ойларининг ўрталарида ёзгиси ўриб олиниб, салқында қуритилади. Ўсимлик таркибида эквивалентонин, сапонин, никотон, эквивалентин алкалоидлари, флавоноидлар, витамин С, каротин, органик кислоталар ва силикат (органик бирикмалар билан бирлашган ва сувда эрийдиган формалар), кислоталар, смола, ошловчи, аччиқ моддалар бор.

Абу Али ибн Сино қуритилмаган ўсимликтан олинган шираси билан яраларни даволанған. Қуритилган ва майдаланған ер усти қисмига шароб қўшилган дамламасини жигар шишига қон арадаш ич кетганига ва истисқога даво қилган.

Халқ табобатида қирқбўғим дамламаси, дори препаратлари сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қон тупурганда, бурундан қон оқданда, қон арадаш ич кетганда, истисқо, ўпка сили, буйрак, юрак системаси касалликларида дори сифатида ишлатилади.

Ўсимликтан дамлама тайёрлаш учун, оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнот сув қуйиб, устига майда ер устки қисмидан 4 чой қошиқ солиб, дамлаб, сузизб, иссиқ ҳолида кун бўйи оз-оздан ичилади.

Илмий тиббиётда қирқбўғимнинг доривор препаратлари (суюқ экстракти, дамламаси, қайнатмаси) қон айланиш етишмовчилигида, сийдик йўллари дардларида, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, ўпка силининг баъзи турларини, бачадондан қон кетганда ва бавосилни даволашда дори сифатида ишлатилади.



ҚОВУН (Дыня обыкновенная – *Cucumis melo*) – Ўзбекистоннинг барча туманларида қовуннинг ҳар хил навларидан жуда кўп миқдорда экилади. У бир йиллик поясининг узунлиги 3 метрга етадиган ўт ўсимлик. Пояси 5 қир-

рали, дағал тукли сершох бўлади. Барги юмaloқ ёки буйраксимон, дағал тукли бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари сарик рангли, бир жинсли, эркак гуллари барг қўлтиғида тўп-тўп, урғочи гуллари эса калта банди билан якка-якка ҳолда жойлашган. Меваси – йирик, кўп уруғли, турли ранг ва шаклдаги ёқимли ҳид ва мазали резавор мева. Май-август ойларида гуллаб, меваси июнь-октябрда етилади. Эти (юмшоқ қисми)нинг таркибида асосий қисми сувдан ташқари қандлар, фоли кислота, витамин С, РР, каротин, минерал тузлар, азотли ва бошқа моддалар бўлади.

Абу Али ибн Сино қовун мевасини буйрак ва сийдик йўлларида тош бўлган беморларга сийдик ҳайдовчи дори сифатида истеъмол қилишни буюрган.

Халқ табобатида енгил ич юмшатувчи восита сифатида ишлатилади. Қовуннинг эти ва уруғи сийдик ҳайдаш таъсирга эга. Қовунни юрак қон-томир дардида ҳамда жигар, буйрак ва камқонлик касалликларида кўпроқ истеъмол қилиш буюрилади. Диабет, аллергик касаллиги борлар истеъмол қилишса, кўнгилсизликлар бўлиши мумкин.

ҚОРА СМОРОДИНА, қора қат (Смородина чёрная – *Ribes nigrum*) – Ўзбекистонда мевали бута сифатида ўстирилади. Бўйи 1-1,5 метргача. Барги панжасимон 3-5 бўлакли. Пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари пушти-қўнғир рангли, шингилга тўпланган. Меваси – күшбўй, юмaloқ, кўп уруғли ҳўл мева. Май-июнда гуллаб, июнь-августда пишади. Барги, меваси йиғилади. Қора смородинанинг барги гуллашдан олдин ёки гуллаганда, меваси пишганида қуритмасдан териб олинниб, барги салқин ерда қуритиб ишлатилади. Ўсимликнинг барти таркибида витамин С, эфир мойи ва бошқа моддалар бўлади.



лар, мевасида эса витамин С, В₁, каротин, қандлар, органик кислоталар, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама қон босими ошганда, бод, тери ва буйрак дардларида ва терлатувчи дори сифатида қўлланади. Булардан ташқари тери сили, ширинча ва диатез касалликлари билан оғриган болалар чўмилтирилади. Ўсимлик меваси, қуритилмаган мева ёки мева қайнатмаси юрак, буйрак, меъда (ич кетганда) ва нерв касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Баргидан дамлама тайёрлаш учун бирор идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуиб, устига 1 ош қошиқ майдаланган барг солиб, 1 неча соат дамлаб, докада сузиб, дамламадан юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 4-5 маҳал ярим стакандан ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуиб, устига мевадан 1 ош қошиқ солиб, 1-2 соат дамлаб, докада сузиб, шакар қўшиб, кунига 2-3 маҳал ярим стакандан ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуиб, устига мевадан 2 ош қошиқ солиб, 40 дақиқа дамлаб, докада сузиб, кунига овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қуиб, устига 20 гр мева солиб, 30 дақиқа қайнатиб, совугач, докада сузиб (ич кетишни) тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Совугандан сўнг докада сузиб ичилса, ич кетишни тўхтатиб, сийдикни ҳайдайди.

Илмий тиббиётда дори препаратлари (дамлама, қайнатма) цинга, авитаминозлар даволанади. Барги, меваси витаминли йигма-чойлар таркибига киради.

ҚОРА ТЕРАК (Тополь чёрный – *Populus nigra*) – бўйи 25 метрли дарахт. Март-апрелда гуллаб, меваси етилади. Диёrimizning барча вилоятлари кўчаларида, борларда, паркларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ёввойи ҳолда учрайди. Йўғон танали хира кулранг пўстлоқ билан қопланган. Барг куртаклари чўзиқ тухумсимон, ўткир учли ёпишқоқ бўлади. Барги учбурчак, майда, арасимон қиррали бўлиб, узун банди билан шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, бир жинсли кўчатларга тўпланган. Меваси – кўпуруғли, пишганда 2-4 паллага бўлинган кўсакча. Барг куртаги эрта баҳорда барги чиқмасдан один йигиб, салқин ерда қуритилади. Куртаги таркибида эфир мойи, смола, органик кислоталар, гликозидлар, ошловчи, бўёқ ва аччиқ моддалар бор.

Абу Али ибн Сино барг куртагидан сирка билан тайёрланган настойкасини подагра касалига оғриган бўғинга суртиб даволаган.

Халқ табобатида барги куртагидан тайёрланган дамлама иситма туширувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари барг куртагидан тайёрланган суртма дори, дамлама куйган тери, бод, бавосил ҳамда подаграни даволашда қўлланилади.



ДАМЛАМА ВА ҚАЙНАТМАНИ УЙ ҲАРОТИДА ТАЙЁРЛАШ

Маълум даражада майдаланган ўсимлик қисми кичикроқ сирли кастрюлькага солиниб, устига керакли миқдорда уй ҳароратидаги сув қуйилади (бунда маҳсулот шимадиган сув миқдорини ҳам ҳисобга олиш керак) ва кастрюлька қопқоғини ёпиб, суви қайнаб турган каттароқ идишга жойлаштирилади ҳамда вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Агар дамлама тайёрлананаётганда 15 дақиқа тутилса, қайнатма тайёрлананаётган бўлса, 30 дақиқа тутиб турилади. Кейин кастрюлькани идишдан олиб, дамламалар совугунча (камида 45 дақиқа), қайнатмалар эса совутиш учун уй ҳароратида 10 дақиқа сақданади.

Совуган дамлама ёки қайнатмани 2 қават докада сузилади ва керакли ҳажмигача сув қуйилади. Агар қайнатма ёки дамламаларни кўп миқдорда (масалан 1-2 л) тайёрлаш керак бўлса, уларни қайноқ сувли идишда тутиш муддати дамламалар учун 15 дақиқа ўрнига 25 дақиқа, қайнатмалар учун яна 30 дақиқага узайтирилади. Агар рецептда маҳсулотни миқдори кўрсатилмаган бўлса, 100 мл дамлама ёки қайнатма тайёрлаш учун 10 қисм маҳсулот олинади. Қуйида дамлама ва қайнатма тайёрлаш усулларини келтирамиз.

1. Дўлана дамламаси.

Дўлана гулидан тайёрланади. Дамлама юрак фаолияти функционал бузилганда, оғир касалликлардан сўнг юрак фаолиятини яхшилашда ҳамда организм тонусини ошириш учун ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун дўлана гулидан 5 гр олиб, кичикроқ кастрюлькага солинади. Устига 200 мл қайнаб турган сув қуйилиб, қопқоғи беркитилади. Кастрюлькани суви қайнаб турган каттароқ идишга қўйиб, 30 дақиқа тутиб турилади. Сўнгра уни сувдан олиб, 15 дақиқа давомида уй ҳароратида совутилади. Совутилган дам-

лама икки қават докадан ўтказилади ва устига қайнатиб совутилган сув қуйиб, 200 мл га етказилади. Дамламадан кунига 2-3 марта овқатдан 30 дақиқа оддин ичилади. Дамламани муддати салқинда икки кун.

2. Малина дамламаси.

Малина мевасидан дамлама тайёрлаш учун 20 гр (2 ош қошиқ) мевага 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, қопқоғи ёпилади. Кастрюлькани суви қайнаб турган каттароқ идишга қуйиб, 15 дақиқа тутиб турилади. Сүнгра уни сувдан олиб, уй ҳароратида 45 дақиқа со-виутиласи. Совуган дамламани икки қават докадан ўтказиб, устига қайнатиб совутилган сув қуйиб, 200 мл га етказилади. Дамлама 2-3 маҳал ичилади.

ХУЛОСА

Доривор ўсимликларнинг тайёrlаш усулларини, ишлатилишини, меъерини, сақланишини билиш дегани улардан ҳар ким ўз билганча фойдаланаверади ёки кўллайверади дегани эмас. Доривор ўсимликнинг қайси қисми ишлатилишидан қатъи назар, мутахассис шифокор билан маслаҳатлашиб, тегишли кўрсатмаларга амал қилиб фойдаланиш мумкин. Кўлингиздаги ўсимлик, сиз истаган ўсимликми, муддати борми, йўқми, яроқлими албатта билиш учун доришуносга, мутахассисга кўрсатиш зарур бўлади. Баъзи ҳолларда танланган ўсимлик ўрнида бошқа бир ўсимликни ишлатиб, кўнгилсиз воқеаларга дучор бўлганлар учраб туради. Шифобахш ўсимликлардан тайёrlangan дамлама, қайнатма, настойка каби табиий дори турларини кўрсатилган миқдордан ортиқча ичмаслик керак. Доривор гиёҳларни йиғишда эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши шарт. Чунки заҳарлилари учраб туради. Рисолада ҳар бир ўсимликни қайси қисми заҳарли ёки ўсимлик заҳарли-заҳарли эмаслиги ҳақида албатта айтиб ўтилган. Ўсимликни билиб, билмай татиб кўриш мумкин эмас. Акс ҳолда заҳарланиб қолиш мумкин. Ҳар қандай ўсимликнинг зарур қисмлари йиғилгандан сўнг, кўлни албатта совунлаб ювиш зарур. Тўпламда доривор ўсимликлардан айрим дори турларини тайёrlаш усуллари ва қайси дардларда ишлатилиши (дамлама, қайнатма, настойка ва бошқалар) хусусида ҳам баҳоли қудрат маълумот беришга ҳаракат қилдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳолматов Ҳ.Ҳ., Ҳабибов З.Ҳ., Олимхўжаева Н.З. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Тошкент: «Ибн Сино номидаги нашриёт», 1991.
2. Абуллаев Ш.В., Ҳакимова Н., Сурижанова С.Ж. Доривор неъматлар ва улардан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. Фарғона: «Фарғона», 1999.
3. Умархон Аҳмад Малҳамий. Шифобахш доривор ўсимликлар. Тошкент: «Турон замин зиё», 2013.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ДАРДИНГИЗГА ШИФО БҮЛАДИ	6
НАВОЙ ҲИКМАТИДАН	7
ДОРИВОР ЫСИМЛИКЛАР	8
Анжир	8
Аморфа	9
Арслонқүйрүк	9
Аччиқмия	10
Бангиевона	11
Бодринг	12
Говзабон	13
Дўлана	13
Жука	14
Иттиканак	15
Кандир	16
Кийик ўт	17
Лимонүт	18
Олхўри	19
Олма	19
Сабзи	20
Седана	22
Тарвуз	23
Ток	24
Томирдори	25
Тоғ қуддуси	26
Туркистон адониси	27
Тужумак	28
Укроп	29
Черкез	29
Чойёт	30
Эфедра	31
Ўрик	32
Қирқбўғим	33
Қовун	34
Қора смородина	35
Қора терак	37
ДАМЛАМА ВА ҚАЙНАТМАНИ УЙ ШАРОИТИДА	
ТАЙЁРЛАШ	38
ХУЛОСА	40
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	41

Тиббий-маърифий наимр

УМАРХОН АҲМАД МАЛҲАМИЙ

**ЮРАК ҚОН-ТОМИР ВА АСАВ ТИЗИМИ
КАСАЛЛИКЛАРИДА
ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР**

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадиий муҳаррир
Үйғун СОЛИХОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

2000 сўнг.

Босишига 28.10.2013 й.да руҳсат этилди. Бигчими 84x108 1\32.

Гарнитура «Bookman Сут+Uzb». Офсет қоғоз.

Босма тобоги 1,375. Шартли босма тобоги 2,31.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 245.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 273-62-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru